Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 81 (10.330).

1992 йил
19 май
сешанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

МДҲ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

МДҲ мустақил давлатлари раҳбарлари 15 май куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида турли оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашдилар.

Учрашувни кенгашга раислик қилган Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев очди. У МДҲ раҳбарларининг Тошкентдаги кенгаши жуда самрали бўлганлигини таъкидлади. 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида молия, ҳаво бўшлиғи, космик тадқиқотлар, қуролли кучлар тўғрисида келишиб олинган ҳужжатлар бор.

Ҳукумат бошлиқларининг кенгашида иқтисодиётга, армияга ва экологияга даҳлли 18 масала кўриб чиқилди.

Ҳамдўстликдаги мустақил давлатларнинг раҳбарлари журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтариб, Тошкент учрашуви амалий ва бунёдкорлик руҳида ўтганлигини таъкидладилар. Учрашув узоқ баҳсларсиз ва жиддий тортишувларсиз тез ўтганига қарамай, МДҲ фаолиятининг ҳаётий муҳим томонларига тааллуқли бир қанча жуда аҳамиятли ҳужжатлар имзоланди.

Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентлари таъкидлаб ўтганларидек, бунинг сабаби Тошкент учрашувига яхши тайёргарлик кўрилганлигидир. Турли йўналишларга оид экспертларнинг тайёргарлик ишлари тажрибаси ўзини тўла оқлади ва бу тажрибадан келгусида ҳам фойдаланиш зарур. Пухта текширилган ҳужжатлар, аниқ фикрлар давлат бошлиқлари учрашувида иккинчи даражали масалаларга ўрин қолдирмади.

Журналистлар билан учрашувда таъкидланганидек, МДҲнинг умри тугагани йўқ. У шунчаки амал қилиб қолмаяпти, балки ривожланиб бормоқда. Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви июль ойида Москвада ўтиши эълон қилинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РАДИОЭЛЕКТРОН, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ВА АСБОБСОЗЛИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ТАРМОҚДАГИ КЎП ЙИЛЛИК ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ, ЮКСАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭРИШГАНЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ УЧУН

ҚУЙИДАГИЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН.

Ивановский Константин Васильевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи бюросининг бошлиғи

Казачук Борис Васильевич — Чирчиқ трансформатор заводининг трансформатор йиғувчиси

Луқмонов Рифат Илёсович — Чирчиқ трансформатор заводи цех бошлиғининг ўринбосари

Содиқов Вилис Юсупович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи механик йиғув ишлари слесари

Сидякина Тамара Семёновна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводини цех бошлиғи

Татеосов Валерий Георгиевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Умаров Омонжон Маҳмудович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи суюқчилари бригадири

Йўлдошев Жаббор Ғаппорович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводининг маҳсулот тайёрловчиси

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Абзатов Рушет — Чирчиқ трансформатор заводи 1-конструкторлик бўлимининг бош конструктори

Бозорова Муҳаббат Жўраевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи мастери

Валиев Йўлдош — Тошкент электр машинасозлик заводи темирчилик пресслаш ускуналари созловчиси

Волошчук Белла Викторовна — Чирчиқ трансформатор заводи ташқи бутлаш ва кооперация бўлимининг бошлиғи

Гафанович Валентина Васильевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи таъминот бўлимининг бошлиғи

Горбунова Екатерина Алексеевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи синовчиси

Давидова Валентина Васильевна — Тошкент электр машинасозлиги заводи трансформаторлар йиғувчиси

Ерматов Ускенбой Йўлдошевич — Чирчиқ трансформатор заводи механика цехининг қуювчиси

Иноғомов Обид Охунжонович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Интегратор» заводининг шофёри

Исламова Вера Николаевна — Чирчиқ трансформатор заводи тайёрлаш-пайвандлаш цехининг бўёқчиси

Ишченко Александр Петрович — Чирчиқ трансформатор заводининг бош муҳандиси

Казачихина Мария Ивановна — Чирчиқ трансформатор заводининг сим ўровчиси

Комилов Шокирбой — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи силлиқловчиси

Кечинов Николай Петрович — Тошкент электр машинасозлиги заводи 2-цехи трансформатор йиғувчилари бригадири

(Давоми 4-бетда).

• Воқеа содир бўлган жойда

ТАБИИЙ ОФАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

БЕКОБОД ноҳиясидаги табиий офатни тугатиш иштирокчилари ирода, мардлик, яхши уюшқоқликни унга қарши қўйишди.

Халқимизда «Эл бошига иш тушса, этик билан сув кечар» деган нақл бор. Бекобод ноҳиясидаги Ойбек номли шўро хўжалигида далаларга чигит ва макажўхори экиб қўйишганди. Қишлоқ хўжалиги ишлари авжига чиққан бир пайтда ёмғир «челаклаб» қуя бошлади. Кўллар ва ариқлар тўлиб-тошиб оқа бошлади. Сувнинг сатхи хавфли даражада кўтарилди ва тепалик ёнбағридаги сел суви тўпланадиган иншоотни бузиб, пастлик томон ҳайқириб оқа бошлади.

Офат кишилар меҳнати натижасини аямади. Бир минг гектардан ортиқ ғўза ва салкам 40 гектар макажўхори экилган майдонлар зарар кўрди. Сел тўртта кўприкни бузиб ташлади. Ойбек номли шўро хўжалигида иккита ва унга қўшни бўлган хўжаликда ҳам иккита кўприкни шикастлади. Табиий офат вақтида, айниқса, уй-жойлар катта талафот кўрди. Давлат хўжалигининг тўртинчи участкасида истиқомат қилувчи 32 оила бошпанасиз қолди. Бундай фавқулодда аҳвол 16 май куни кечқурун соат 7 ларда содир бўлди. Уйларда истиқомат қилувчилар буни олдиндан пайқаб, уйларидан қочиб чиқишга улгурдилар. Шунинг учун ҳам ҳамма омон қолди.

Офат бошланган дастлабки дақиқаларданоқ кишиларни хавфсиз жойга кўчириш ишлари ташкил этилганлиги учун ҳам бунинг олдини олиш мумкин бўлди. Яшаётган аҳоли ўртасида бола-чақалар ва аёллар кўп эди. Зарар кўрганлар ҳақида иложи борича кўпроқ ғамхўрлик қилиш ва эътибор бериш керак эди. Вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев бошчилигида вилоят раҳбарлари фалокат содир бўлган жойга келиб бутун тун давомида мураккаб масалаларни ҳал қилиш билан шуғулландилар, саросималик кайфиятини бартараф этишди, турли хил ёрдам хизматларининг ишини уюштирдилар. Дарҳол транспортчилар, бинокорлар, милиция, ўт ўчирувчилар, тиббиёт ходимлари оёққа турғизилди. Қўшни ноҳиялардан ҳам кўмак уюштирилди. Талофат кўрган қишлоқда барча кишилар билан уйқусиз тун ўтказган ҳоким эрта билан соат 7 да шу жойнинг ўзида вилоят фаоллари кенгашини ўтказди. Бунда табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича ишга жалб қилинган барча вилоят, шунингдек, ноҳия ташкилотлари ва муассасаларининг вакиллари қатнашдилар.

Бу ерда ҳеч кимни ташвиқот қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмади. Ҳар бир киши ўзининг маънавий бурчини чуқур ҳис қилди ва талафот кўрганларга бегараз ёрдам кўрсатишга тайёрлигини изҳор этди. Улуғбек номидаги қўшни шўро хўжалиги директори 50 минг сўм пул ажратиш, зарар кўрганлар учун уй қуриб бериш, табиий офатдан азият чеккан кишиларга ёрдам учун бир кунлик иш ҳақини ажратиш ташаббуси билан чиқди.

Бу ташаббус шу ернинг ўзида қўллаб-қувватланди ва 23 майда ялпи ҳашар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ҳашардан тушган маблағ табиий офат оқибатларини тугатишга сарфланади.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Н. Исмоилов, «Далварзин» шўро хўжалиги директори М. Султоиқулов ўз жамоалари номидан бир кунлик иш ҳақини табиий офатдан зарар кўрганлар жамғармасига беришга қарор қилганликларини эълон қилдилар. Мазкур давлат хўжалиги бу мақсадлар учун яна 50 минг сўм ажратади. Бекобод ноҳиясидаги қўшни хўжаликларнинг ҳар бири ҳам зарар кўрганларга 50 минг сўмдан ёрдам кўрсатади. Қабул қилинган қарор тўғрисида Мавлонов номидаги шўро хўжалиги директори А. Назаров, «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги раиси Х. Бўрибоевлар вилоят фаоллари кенгашида хабар бердилар.

«Авангард», «Навбаҳор», «Бекобод» шўро хўжаликлари, «Ғалаба» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари, 20-механизациялашган кўчма колонна, таксомотор парки, ноҳия ўт ўчириш депоси жамоалари ҳам зарар кўрганларга ёрдамга 50 минг сўмдан бадал берадилар. Навоий номли, «Хос» жамоа хўжаликлари 30 минг сўмдан пул ажратадилар; «Шоликор» давлат хўжалиги (директори Эгамназар Хатамов) 2 тонна шоли берадиган бўлди. (Бу ташкилотлар ва хўжаликлар Бекобод ноҳиясида жойлашган). Тошкент вилоят автомобиль йўллари бошқармаси шундай хайрли ишга 50 минг сўм, Бекобод пахта заводи 100 минг сўм ажратади. Бекобод шаҳридаги темирйўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси барча юкларни бепул ташиб беришга аҳд қилди. Бекобод цемент комбинатининг директори А. Фармонов зарар кўрганлар учун 5 минг та шифер ва бир минг тонна цемент — ҳаммаси бўлиб бир миллион сўмлик қурилиш материаллари ажратиш имконини топди. Бу янги уй-жойлар қурилиши учун етади.

Фаоллар кенгашида ҳар бир раҳбар олдига аниқ вазифа қўйилди. Бир томондан, офат яна такрорланиб ўз қилиғини кўрсатиши мумкин, деган хавотирлик бор бўлса, иккинчи томондан, зарар кўрган уйлардан жилла қурмаганда қандайдир мулкларини сақлаб қолиш учун ёрдам бериш керак эди. Бу уйлар пастликда жойлашганди. Мебель, уй жиҳозлари, совуттичлар, болалар каравотлари — ҳаммаси лой-балчиқ аралаш оқим остида қолди. Кишилар, ҳатто, ўзлари билан оз бўлса ҳам тановул қилиш учун зарур бўлган озиқ-овқат заҳираларини олиб чиқишга улгурмадилар.

Шу жойнинг ўзида штаб ташкил қилинди. У кечиктириб бўлмайдиган масалалар бўйича зудлик билан қарорлар қабул қилди. 50 та автобус зарар кўрганларга транспорт хизмати кўрсатиш ва ёрдам беришни таъминлаш учун қатнаб турди. Кишилар ўз ташаббуслари билан талафот кўрганларга ёрдам беришга интилдилар. Биз уларни қулаб тушган дарахтлардан ҳосил бўлган тўсиқларни олиб ташлаётганларини, мулкни сақлаб қолиш учун ёрдам бераётганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бирорта ҳам онла бошпанасиз қолмади. Улар қўни-қўшниларникига жойлашишди. Айрим оилалар клубнинг кенг хоналарига кўчиб ўтдилар. Табиий фалокатнинг эртасигаёқ зарар кўрганлар учун вагон уйлари тайёрланди. Оилалар бўлажак уйлар қуриладиган хавфсиз ерга жойлаштирилди. Шу ернинг ўзида ҳар бир оила учун томорқа участкаси учун 12 сотих ер ажратилиши назарда тутилди.

Воқеа содир бўлган жойга етиб келган республика Вазирлар маҳкамаси райсининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков табиий офатдан зарар кўрган кишилар қандай жойлаштирилишини шахсан текширди. У Жумҳурият томонидан зудлик билан ёрдам кўрсатилади, деб таъкидлади. Вагонлар ва уларнинг қиймати тўланади. «Ўзбекбирлашув» кишиларни озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар билан таъминлашга ёрдам беради. Бузилган кўприкларни тиклаш бўйича зудлик билан аниқ чоралар амалга оширилади. Келтирилган зарар бир неча миллион сўмни ташкил этади. Ҳар бир вазирликка зарар кўрган ноҳияга ёрдам бериш бўйича аниқ топшириқлар берилади.

Кишилар мусибат олдида якка қолмасликларига шубҳа қилмадилар. Вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев, унинг ўринбосарлари, шу оғир дақиқаларда зарар кўрганлар билан бирга бўлган ҳамма кишилар оператив вазифаларни ҳал қилар эканлар, 23 майда ўтказишга қарор қилинган ялпи ҳашар самарали бўлиши, ундан тушган маблағларни зарар кўрганларга ёрдам учун ажратиш, истиқболда қилинадиган бошқа ишлар ҳақида ўйлардилар. Келажакда улар учун 32 та уй қурилади. Ҳар бир уйнинг нархи тахминан 250 минг сўм бўлади. Ноҳиядаги барча хўжаликлар, вилоят, саноат, қурилиш ташкилотлари, вилоят матлубот жамияти ва бошқа корхона, ташкилотлар ёрдам кўрсатадилар. Зарар кўрганларга бир йўла ёрдам берилади. Ҳар бир оилага 500 сўмдан пул, 1 қопдан гуруч ва ун берилди, текинга ёғ ва бошқа маҳсулотлар ажратилади.

Халқимиз оғир дақиқаларда ҳам саҳийлик қилади, ўз насибасини бошқалар билан бирга баҳам кўра олади. Зеро, биргаликда ҳар қандай офатни енгиш осон бўлади. Бундай жамоавий ёрдам мисолларини ҳар қадамда кўриб турдик. Ўт ўчирувчи командирлар маҳаллий болалар билан биргаликда балчиқни помпа билан сўриб олишарди. Чаноқ қишлоқ Кенгаши, давлат хўжалиги идораси ўз моҳияти билан оператив марказ бўлиб қолдилар. Воқеа содир бўлган жойдан келган раҳбарларнинг костюмларида лой излари кўп эди. Улар бу ҳақда ўйламас эдилар. Ҳамманинг фикри бир хил эди. Зарар кўрганларга тезроқ ва самаралироқ ёрдам кўрсатиш... Воқеа содир бўлган жойга қудратли техника воситалари етиб келди. Бульдозерлар, кранлар, қудратли тортгичлар бир зум тиним билмасдан ишларди. Қўни-қўшнилар омон қолган буюмларни юк автомашиналарига ортишга ёрдамлашишарди. Ҳамма бир тан бир жон бўлиб, дам олишни ҳам унутиб ишларди.

— Одамларга қойилман, — дейди ноҳия ҳокими — штаб раиси Муҳаммадали Расулов, — бир жон бир тан бўлиб туриб бердилар. Ўзимча бир хулосага келдим: ҳар қандай вазиятда халқ билан бирга бўлсанг, унга суянсанг, бошига бирон оғир иш тушганда ёнида бирга бўлсанг, у сенга куч, илҳом ва мадад бахш этаркан, туни билан мижжа қоқмай тортган азобларимиз бир гуруҳ одамлар: «Эй, сизларга минг раҳмат, шундай дамларда биз билан биргасизлар» дейишгандаёқ бир зумда унутилиб кетди. Омма билан ҳамнафас бўлсанг, унга таянсанг бундан қудратлироқ куч йўқлигига яна бир карра иқрор бўларкансан...

Уйлар ёнидаги йўлнинг нариги томонида бепоён экин майдонлари бошланади. Сел оқими уларни ҳам четлаб ўтмади. Айрим майдонлар кўлларга ўхшаб қолган эди. Бундай ерларда ернинг ҳосилдорлигини тиклаш учун кўп иш қилишга тўғри келади. Ноҳия аҳолиси буни яхши тушунади. Бекобод ноҳияси ҳокими М. Расулов, Ойбек номидаги шўро хўжалигининг бош иқтисодчиси И. Хожимуротов ва бошқаларнинг ташвиши кўзларидан шундоқ билиниб турарди. Чунончи, илгарилари ҳам бу ерда сел оқимлари оқибатида осойишталик бузилган кунлар ҳам бўлган. Табиий офат хавфи ҳақида ўйлаб қолишган эди. Бу гал унинг олдини олишнинг қандайдир йўллари ишлаб чиқилган эди.

Бироқ, ҳаёт қандайдир андозага сиғмайди. Вақти келганда барча режаларни айқаш-уйқаш қилиб юборади. Хавфнинг олдини олишга ўрганиш — иқтисодиёт нуқтаи-назаридан анча оқилона ишдир. Мабодо у содир бўлса-чи? Унинг олдида саросимага тушмаслик, ҳар томонлама, худди Бекобод ноҳияси каби, уни шай ҳолда кутиб олиш лозим. Зероки, кишилар табиий офатнинг оқибатларини тугатиш бўйича фақат дастлабки қадамларни қўйишни ўрганиб олганликларини тушунадилар, олдинда эса ҳали иш жуда кўп. Мушкулликларни эса фақат умумий куч-ғайрат билан енгиб ўтиш мумкин.

Н. НАСИМОВ,
А. ПУКЕМОВ.

Муаллифлар ушбу мақола учун қалам ҳақларини зарар кўрганларга ёрдам жамғармасига бажоннидил ўтказадилар.

Кеча вилоят қизил ярим ой жамияти ҳамда болалар жамғармаси табиий офатдан жабрланган оилаларнинг фарзандларига тарқатиш учун бир неча минг сўмлик пойабзал, кийим-кечак, чодир олиб келишди.

Кеча куннинг охиригача жабрланган оилаларнинг вақтинча яшаб туришлари учун 27 та уй-вагон олиб келиб қўйилди.

СЎНГГИ ХАБАР


Шаҳар Ҳокимлигида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Бекобод шаҳри корхоналари раҳбарлари қатнашдилар. Улар бир кунлик маошларини ёрдам жамғармасига ўтказишга қарор қилишди. Умуман, шаҳар бўйича 10 миллион сўм ёрдам пули берилади. Ана шундан 7 миллион сўмини металл заводи жамоаси (директори А. М. Анохин) беради.

«Чермет» фирмаси ҳам катта ҳиммат кўрсатаётир (раҳбари В. В. Сафронов). Бу жамоа 700 минг сўм ёрдам берадиган бўлди. Саноат қурилиш банки 20 минг сўм ажратишга қарор қилди. «Сарбон» акционерлик автокорхонаси шофёр-хизматчилари эса шагал ташиш ва шунга ўхшаш бошқа ишларни бепул амалга оширмоқдалар.

* * *

Табиий офат оқибатларини тугатиш, моддий зарарларни қоплаш бўйича вилоят счёти: 000709302, Тошкент вилоят давлат банки бошқаруви қошидаги ҳисоб-китоб счёти. Код: 172723104.

СУРАТЛАРДА: табиий офат содир бўлган жойда.











ЭЪТИҚОД 3

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашининг ҳар ойда чиқадиган қўш саҳифаси

КЕЛАЖАК ОЛДИДА ЖАВОБГАРМИЗ

Маҳмуд Мирзаевич МИРЗАЕВ жаҳонга танилган амалиётчи олим, академик. Қатор йиллардан буён Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбарлик қилади. Муҳтарам олим вақти тиғиз бўлишига қарамасдан жамоатчилик ишларида фаол қатнашади. У киши Ўзбекистон Республикасининг халқ нойиби, ажойиб тарғиботчи, ёшларнинг жонкуяр мураббийси.

— Маҳмуд Мирзаевич, моқда. Бунинг сабабини сир эмаски, вақтида Компартияга аъзо бўлганлигидан ғурурланиб юрган баъзи олимлар эндиликда ўзларини партиядан, демакким, сиёсатдан четга олишмоқда. Сиз бўлсангиз, биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига кирдингиз ва унинг сиёсатини амалга оширишда фаол қатнашяпсиз. Бунинг боиси нима?

— Жамиятимиз миллий уйғониш, ўз-ўзини англаш жараёнини бошдан кечирмоқда. Жамиятда яшаган ҳолда ундан ҳоли яшаш мумкин эмас, деган гап бор. Шундай бир инқилобий даврда сиёсатдан, демакки қайноқ ҳаётдан четда яшаш мумкинми? Ўзини масъулиятли, давр олдида бурчли, деб билган киши сиёсатга фаол аралашиб, инқилобий жараёнларни тезлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим, деб биламан. Шу партиянинг ғоялари кўнглимга маъқул тушди, шу боис унинг сафига кирдим. Энди унга ёрдам беришга бурчлиман. Партиямиз шаклланаяпти. Тажрибали кишилар унга ёрдам беришлари керак.

Мен билган кўпгина КПСС аъзолари — раҳбар кишилар — янги партия сафига ўтдилар, аксарияти ўтмади. ХДП сафига ўтмаган кишиларнинг айримлари партия ишларида масъулиятли лавозимда ишлашган. Афсуски, шундай кишилар яна раҳбар бўлишга, сунъий равишда, партиямиз обрўсини ерга уриш билан обрў орттиришга интилмоқдалар. Бундай эътиқодсиз кишиларнинг жамиятда олдинда бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир одам партияга қалб амри билан кирсин. Партиямиз сафига жамиятнинг «юки»ни кўтара оладиган кишилар кўпроқ кириши лозим. Яъни ўзининг келажагига ишонган, керак бўлса, партия учун жонини фидо қиладиган, меҳнатини аямайдиган, адолатпарвар кишилар керак. Партиямиз ўз сафига софдил, шижоатли одамларни қабул қилиб, уларнинг ақлий имкониятлари юзага чиқиши учун барча шароитни яратиб бериши, уларнинг кучидан тўғри фойдаланиши лозим. Энди шошилиш керак эмас. Керакли, фойдали одамларни танлай билиш керак. Хусусан, ёшлар ўртасида кўпроқ ишлаш лозим. Ёшларимиз орасида митингбозлик, намойиш уюштиришни демократия, эркинлик деб тушунувчилар кўпайди. Бу кишиларнинг маданий савиясини ривожлантиришни талаб қилади. Кўриниб турибдики, митингбозликлар масалани тўғри ҳал қилиш имконини бермайди. Олдимизда кўндаланг турган муаммоларни халқ билан маслаҳатлашиб, вазминлик билан ҳал қилиш мумкин. Ёшларга касб танлаш, ҳунар эгаллаш, меҳнат қилишни ўргатиш билан шуғуллансак, мақсадга тезроқ эришамиз.

— Халқимизнинг динга ва диний меросни ўрганишга бўлган қизиқиши ортганидек, ноҳияда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилган пайтда атиги 26 та бошланғич ташкилот мавжуд эди. Ўтган фурсат ичида ноҳияда партия аъзоларининг сони 1077 кишига етгани ҳолда, унинг бошланғич ташкилотлари ҳозир 43 жойда фаолият кўрсатаётир.

Ноҳия партия қўмитасининг ташаббуси билан бошланғич ташкилотларининг котиблари, партия фаоллари учун 4 марта семинарлар уюштирилиб, уларнинг ишида тажрибали партия ходимлари, илмий ходимлар иштирок этишди. Ижроия бюросининг бўлиб ўтган тўрт йиғилишида партия ҳаётига оид ўндан ортиқ ҳаётий масалалар муҳокама этилди. Уларнинг исботи ўлароқ ҳозирги кунда ноҳия ҳудудида 11 та ҳудудий партия ташкилоти иш олиб бораётир. Омма билан ишлаш, унинг оғирини енгил этиш, ёшлар тарбияси ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи кишилар билан ишлашда айниқса «Ғаллақудуқ», «Ангрен», «Оҳангарон» давлат хўжаликлари, «Дўстлик», «Сўсам» қишлоқ шўролари худудларидаги партия ташкилотлари сезиларли ишлар қилдилар. Аммо шуни ғоятда ачиниш билан қайд этиш зарурки, айрим ташкилотлар жумладан, «Дўстлик», «Шодималик» ижара жамоаларида партия аъзоларидан аъзолик бадалларини тўплаб олиш ишлари мушкул аҳволга тушиб қолган. «Инқилоб» қишлоқ шўроси ҳудудида эса ҳалигача партиянинг ҳудудий ёки бошланғич партия ташкилотларининг йўқлиги аҳоли ўртасида турли камчиликларнинг келиб чиқишига, англашилмовчиликларнинг содир этилишига сабаб бўлаётир.

— Булар ҳам ноҳия, вилоят ва жумҳурият партия раҳбарларининг кечирилмас айблари ҳисобланади, — деди музокарада сўзга чиққан ноҳия «Оҳангарон» рўзномасининг муҳаррири А. Абдулҳақов. — Чунки ўтган шунча давр мобайнида ҳалигача партия аъзолари партия билетларига эга эмас. Ҳудудий партия ташкилотлари аҳоли билан ишлаш усулларини тополмаяпти. Партия аъзолари ўртасида талабчанликгина эмас, балки партия иши учун чинакам қизиқиш, бошланғич ташкилотларнинг ишларини йўналтиришга қаратилган ташаббускорлик ҳамда партиявий интизом етишмайди.

Ноҳиядан тортиб то жумҳурият партия ташкилотигача бўлган раҳбарлар партия ишидаги бу нуқсонларни тезроқ бартараф этиш чораларини ўйламаяптилар.

«Оҳангарон» совхози партия қўмитасининг котиби Ф. Шеров, партия аъзолари ўртасида меҳнат ва партиявий интизомни мустаҳкамлаш учун аввало одамларда янги партияга эътиқодни кучайтириш керак, деган фикрни айтди. Бунинг учун эса одамларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш чораларини кўриш даркор.

— Худди шу нуқсонларни тугатиш учун аввало партияда жанговарлик принциплари, ўзи олиб бораётган ишга халқни ишонтириш кучи бўлиши керак. Сўнгги пайтларда жумҳурият президенти жуда кўп ҳаётбахш фармонлар чиқарди. Аммо уларни ҳаммаси ҳам омма орасига изчил кириб борган деб бўлмайди. Бу ўринда биз ўтмишдан партиянинг асосий йўриқчилари бўлган ташвиқотчи-тарғиботчи л а р, сиёсий ташкилотчилар, маърузачилар, хуллас барча тарғибот воситаларидан унумли фойдаланишимиз керак. Ана шунда одамлар партия фаолларининг сўзига ишонадиган бўлади, — деди ўз сўзида ноҳия партия қўмитаси тафтиш комиссиясининг аъзоси М. Қаюмов.

Партиявий ишнинг ҳозирги энг актуал вазифаси жанговорлик ва интизом масаласидир. Акс ҳолда партия ўз обрўсини омма орасида тиклай олмайди. Бунинг учун эса бошланғич партия ташкилотларининг обрў-эътиборини ошириш, уларни халқ талабларининг асосий маънавий ижрочиларига айлантириш керак. Музокарада сўзга чиққан ноҳия хотин-қизлар кенгашининг раиси Б. Мадаминова ана шулар тўғрисида куюниб гапирди.

Пленумда сўзга чиққан кишилар ана шунга алоҳида эътибор бердиларки, айрим идораларнинг раҳбарлари, жумладан ноҳия ички ишлар бошқармаси ва «Октябрь» совхозининг раҳбарияти мазкур ташкилотларда партиянинг бошланғич ташкилотларини тузиш, ёшларни партияга қабул қилиш ишларини турли важлар билан орқага суриб келаётирлар. Пленумда сўзлаган вилоят партия қўмитасининг бўлим мудири Б. Расулов ноҳия партия ташкилоти олдида турган айрим долзарб масалаларга тўхталди.

Қ. МУМИНАЛИЕВ.

Маҳалла партия ташкилотлари

ДАВР

Маҳаллада бошланғич партия ташкилотининг ишлаши биз учун янгилик. Шу боис кўпчилик котиблар унинг фаолиятини қандай олиб бориш тўғрисида бош қотиришмоқда, изланишмоқда. Зангиота районидаги «Назарбек» қишлоқ шўросига қарашли «Бешқўрғон» маҳалласида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотида бу борада муайян тажриба тўпланган. Унга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Исабек Шодиев котиблик қилади. У айни пайтда маҳалла қўмитасининг раиси ҳамдир. Ўз умрини одамлар билан ишлаш, уларга ҳамдард, ҳамнафас бўлиш билан ўтказаётган бу киши маҳаллада партия ташкилоти таъсирини ўтказишнинг ўзига хос услубини амалда кўрсатмоқда.

— Исабек ака, суҳбатимизни маҳалла партия ташкилотининг фаолияти ҳақида мулоҳаза юритишдан бошласак...

— Айни муддао. 1987 йилдан маҳалла қўмитасининг раиси, 1990 йилдан бери эса бошланғич партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлаб келяпман. Икки вазифани қўшиб олиб бориш маҳалладаги муаммоларни бартараф этишга жуда қўл келаяпти. Одамлар билан маслаҳатлашиб иш юритаяпмиз. Маҳалла қўмитаси ташкил этилгач, қишлоғимизнинг қиёфаси ҳақида қайғурадиган бўлдик. Кўчалар асфальт қилинди, автобус қатнови ташкил этилди, водопровод, табиий газ қувурлари ётқизилди. Қисқаси, ободонлаштириш ишлари билан машғул бўляпмиз. Эндиликда, маҳалламиз ўз кўрки, шакли-шамойилига эга.

Иккинчи масала одамларнинг ўзи билан ишлаш. Бу борада ҳам анча-мунча ишларни қилиб улгурдик. Барча ташкилий, тарбиявий ишлар бизнинг зиммамизда.


— Маҳаллада партия ташкилоти тузиш зарурати қандай туғилди?

— Одамлар билан ишлашни мувофиқлаштириб, йўналтириб турадиган бир кучга муҳтожлик сезилди. Партия ташкилоти шундай зарурат туфайли тузилди. Одамлар билан ишлаш бирмунча енгилашди. Партия аъзолари маҳалламиз муаммоларини бартараф этиш масъулиятини ўз зиммасига олишди.

— Энди партия ташкилотида олиб борилаётган ишлар кўлами ва йўналиши ҳақида гапириб берсангиз?

— Партия ташкилоти ҳисобида 10 нафар партия аъзоси бор. Уларнинг ҳар бири муайян жамоатчилик ишини олиб боради. Одамлар билан яккама-якка ишлаяпмиз. Маҳалламизда 246 оила бор. 6 нафар Улуғ ватан уруши қатнашчиси, 6 нафар Қаҳрамон она, 7 нафар Афғонистонда хизмат қилиб қайтган байналмилал жангчи истиқомат қилади. Уларнинг ҳолидан хабар олиб, тегишли ёрдам кўрсатаяпмиз. Меҳнат фахрийларини пенсияга чиқаришда ёрдамлашдик, керакли ҳужжатларини тайёрладик. Уймауй кириб, касб-кор рўйхатини туздик, кимнинг нима иш қилаётганини аниқладик. Ишсиз юрган 5 кишини ишга жойлаштирдик.







ЖАНГОВАРЛИК ВА ИНТИЗОМ ЕТИШМАГАЧ

ЎзХДП Оҳангарон ноҳия Кенгаши пленумидан

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ноҳия қўмитасининг иккинчи пленуми унинг таъсис пленумидан роса уч ой ўтгандан сўнг чақирилди. Пленум кун тартибида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ноҳия ташкилоти таъсис конференциясидан кейинги даврда партиянинг фаолияти ва ЎзХДП Марказий ижроия Кенгашининг IV Пленумида сўзлаган И. Каримов нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан ЎзХДП ноҳия қўмитасининг биринчи котиби Э. Худойбердиев маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаб ўтганидек, ноҳияда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилган пайтда атиги 26 та бошланғич ташкилот мавжуд эди. Ўтган фурсат ичида ноҳияда партия аъзоларининг сони 1077 кишига етгани ҳолда, унинг бошланғич ташкилотлари ҳозир 43 жойда фаолият кўрсатаётир.

Ноҳия партия қўмитасининг ташаббуси билан бошланғич ташкилотларининг котиблари, партия фаоллари учун 4 марта семинарлар уюштирилиб, уларнинг ишида тажрибали партия ходимлари, илмий ходимлар иштирок этишди. Ижроия бюросининг бўлиб ўтган тўрт йиғилишида партия ҳаётига оид ўндан ортиқ ҳаётий масалалар муҳокама этилди. Уларнинг исботи ўлароқ ҳозирги кунда ноҳия ҳудудида 11 та ҳудудий партия ташкилоти иш олиб бораётир. Омма билан ишлаш, унинг оғирини енгил этиш, ёшлар тарбияси ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи кишилар билан ишлашда айниқса «Ғаллақудуқ», «Ангрен», «Оҳангарон» давлат хўжаликлари, «Дўстлик», «Сўсам» қишлоқ шўролари худудларидаги партия ташкилотлари сезиларли ишлар қилдилар. Аммо шуни ғоятда ачиниш билан қайд этиш зарурки, айрим ташкилотлар жумладан, «Дўстлик», «Шодималик» ижара жамоаларида партия аъзоларидан аъзолик бадалларини тўплаб олиш ишлари мушкул аҳволга тушиб қолган. «Инқилоб» қишлоқ шўроси ҳудудида эса ҳалигача партиянинг ҳудудий ёки бошланғич партия ташкилотларининг йўқлиги аҳоли ўртасида турли камчиликларнинг келиб чиқишига, англашилмовчиликларнинг содир этилишига сабаб бўлаётир.

— Булар ҳам ноҳия, вилоят ва жумҳурият партия раҳбарларининг кечирилмас айблари ҳисобланади, — деди музокарада сўзга чиққан ноҳия «Оҳангарон» рўзномасининг муҳаррири А. Абдулҳақов. — Чунки ўтган шунча давр мобайнида ҳалигача партия аъзолари партия билетларига эга эмас. Ҳудудий партия ташкилотлари аҳоли билан ишлаш усулларини тополмаяпти. Партия аъзолари ўртасида талабчанликгина эмас, балки партия иши учун чинакам қизиқиш, бошланғич ташкилотларнинг ишларини йўналтиришга қаратилган ташаббускорлик ҳамда партиявий интизом етишмайди.

Ноҳиядан тортиб то жумҳурият партия ташкилотигача бўлган раҳбарлар партия ишидаги бу нуқсонларни тезроқ бартараф этиш чораларини ўйламаяптилар.

«Оҳангарон» совхози партия қўмитасининг котиби Ф. Шеров, партия аъзолари ўртасида меҳнат ва партиявий интизомни мустаҳкамлаш учун аввало одамларда янги партияга эътиқодни кучайтириш керак, деган фикрни айтди. Бунинг учун эса одамларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш чораларини кўриш даркор.

— Худди шу нуқсонларни тугатиш учун аввало партияда жанговарлик принциплари, ўзи олиб бораётган ишга халқни ишонтириш кучи бўлиши керак. Сўнгги пайтларда жумҳурият президенти жуда кўп ҳаётбахш фармонлар чиқарди. Аммо уларни ҳаммаси ҳам омма орасига изчил кириб борган деб бўлмайди. Бу ўринда биз ўтмишдан партиянинг асосий йўриқчилари бўлган ташвиқотчи-тарғиботчи л а р, сиёсий ташкилотчилар, маърузачилар, хуллас барча тарғибот воситаларидан унумли фойдаланишимиз керак. Ана шунда одамлар партия фаолларининг сўзига ишонадиган бўлади, — деди ўз сўзида ноҳия партия қўмитаси тафтиш комиссиясининг аъзоси М. Қаюмов.

Партиявий ишнинг ҳозирги энг актуал вазифаси жанговорлик ва интизом масаласидир. Акс ҳолда партия ўз обрўсини омма орасида тиклай олмайди. Бунинг учун эса бошланғич партия ташкилотларининг обрў-эътиборини ошириш, уларни халқ талабларининг асосий маънавий ижрочиларига айлантириш керак. Музокарада сўзга чиққан ноҳия хотин-қизлар кенгашининг раиси Б. Мадаминова ана шулар тўғрисида куюниб гапирди.

Пленумда сўзга чиққан кишилар ана шунга алоҳида эътибор бердиларки, айрим идораларнинг раҳбарлари, жумладан ноҳия ички ишлар бошқармаси ва «Октябрь» совхозининг раҳбарияти мазкур ташкилотларда партиянинг бошланғич ташкилотларини тузиш, ёшларни партияга қабул қилиш ишларини турли важлар билан орқага суриб келаётирлар. Пленумда сўзлаган вилоят партия қўмитасининг бўлим мудири Б. Расулов ноҳия партия ташкилоти олдида турган айрим долзарб масалаларга тўхталди.

Қ. МУМИНАЛИЕВ.

ТАҚОЗОСИ

Кам даромадли оилаларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини қишлоқ шўросига бердик, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш таклифларимизни тайёрладик. Яна бир йўналишни дин аҳли билан ишлашга қаратдик. Чунки динга қизиқиш кучайган бир пайтда унга бефарқ қараб бўлмайди. Қариялар билан гаплашдик, фикрини ўргандик. Имомлар масжид қуриб беришни талаб қилишмоқда. Менимча, бу ҳақли талаб. Маҳалламиз ҳудудида қабристон бор, унинг ёнида масжид ҳам бўлиши ўринли.

Дин аҳли, имомлар кучидан миллий урф-одатларимизни қайта тиклашда, четга чиққан баъзи ёшларни тартибга солишда фойдаланяпмиз. Чолларнинг ташаббуси билан назорат гуруҳини туздик. Олибсотарлар, тартиб бузарлик, ўғриликнинг олди олинди.

Ёшларнинг оилавий ишларига ҳам аралашишга тўғри келаяпти. Аҳиллик кўтарилган оилаларда тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Асосий таянчимиз қариялар бўлиб, ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор бераяпмиз, ҳарбий қисмлар билан алоқа қилиб турибмиз.

— Муаммолар ҳам бўлса керак?

— Иш бор жойда камчилик бўлади, деганларидек, кўплаб қийинчилик, муаммоларга дуч келаяпмиз. Масалан, бизларда келинкуёвга керакли нарсани вақтида олиб бўлмайди. Уларга керакли нарсаларнинг рўйхатини тузиб берамиз, район марказидан олишади. Район марказидаги дўкондорлар эса «эрта-индин кел» деб муҳтож одамларни сарсон-саргардон қилади. Тўйни эса тўхтатиб бўлмайди. Келинкуёвга бериладиган нарсаларни қишлоқ шўроси ҳудудидаги дўконлар орқали берилиши ташкил этилса, бу муаммони ҳал қилиш мумкин бўларди.

Иккинчи муаммо тўй, маросимларга ажратиладиган нарсалар ҳақида. Булар ҳам ҳали тартибга тушмаган. Маҳалламиз аҳли керакли нарсани Тошкент бозорларидан қиммат нархда сотиб олишга мажбур бўляпти. Учинчи муаммо фахрийлар дўкони хусусида. Районда фахрийлар дўкони бор. Маҳалламизда 80 нафар фахрий яшайди. Ўша дўкон ҳозир фахрийларга деярли нарса бермай қўйди. Илгари ҳафтасига 2 килодан гўшт берилди, энди ойда бир кило ҳам гўшт тарқатилмаяпти. «Ўзларингизни гўшт, сут, қатиқ, тухум, сариёғ билан таъминланглар» дейишмоқда. Шароит, ем-хашак бўлмаса қандай қилиб мол боқамиз. Демоқчиманки, таъминот масаласи яхши эмас, бу ҳақда изланяпмиз. Одамлар кўплигини ҳисобга олиб, ўз маҳалламизда махсус фахрийлар дўкони очилишини ҳаёт тақозо этмоқда.

Маҳалламизда битта янги ўрта мактаб биноси қурилиши керак. Чунки мактаб йўқлигидан болалар атрофимиздаги 3, 6, 7-мактабларга қатнаб ўқишмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун ҳаракат қиляпмиз. Улар қанчалик тез ҳал қилинса, маҳалламиз аҳолисининг бизга бўлган ишончи ҳам ортиб борган бўлур эди.

А. КАРИМОВ.

• ХДП фаоли ҳикоя қилади

БУРЧИМГА САДОҚАТЛИМАН

МЕН ҚАЛБ амри билан 1978 йилдан бери Мудофаа министрлигининг марказий архивида ўзбекистонликларнинг Улуғ Ватан урушидаги иштирокига тааллуқли ҳужжатларни тўплаш мақсадида изчил изланиш олиб бормоқдаман. Бу ишга киришишимизга республикамиз, шу жумладан вилоятимиз аҳолисининг салмоқли қисми ўз жигарларининг қаерда дафн этилганликларини билмасликлари туртки бўлди.

Ўн уч йил давомида ҳар йили Марказий архив жойлашган Москва вилоятининг Подольск шаҳрида икки ой яшаб, у ерда сақланаётган нодир ҳужжатларни кўздан кечириш натижасида урушдан оиласи бағрига қайтмаган 34 мингга яқин ўзбекистонлик марҳум жангчилар дафн этилган жойларни аниқладим ва республика вилоят, шаҳар ва ноҳия газеталарида ёритиб, уларнинг авлодларига етказдим.

Дивизия ва полклар фондидаги ҳужжатлар асосида орден ва медаллар билан мукофотланган 8 мингдан зиёд ҳамюртларимиз жасоратини ўрганишга муваффақ бўлдим.

Марказий архивнинг мукофотлашга оид карточкалар сақланадиган 11-бўлимни ёрдамида ҳалок бўлиш, ярадор бўлиб, ҳарбий қисмдан алоқа узилиб қолиши, мукофотланганликдан бехабар қолиш ва бошқа сабаблар билан тақдим этилмай қолган орден ва медалларнинг 200 га яқини эгаларига 43—48 йилдан сўнг тақдим этилишида ёрдамим тегди.

Уруш иштирокчиси сифатида ана шу хайрли ишларни бажаришни ўз бурчим деб биламан. Улуғ Ватан урушида фашист-босқинчилари устидан ғалаба қозонганимизга 47 йил бўлди. Буюк ғалаба нишонланган йили туғилган гўдак бугун бунёдкорликнинг фаол иштирокчиси — ишчи, деҳқон, зиёли, фан заҳматкаши, 4—5 фарзандли меҳнаткаш. Вақт бамисоли оқар сув, тез ўтиб кетаверар экан. Бироқ афсуски уруш келтирган мусибат инсон қалбидан ўчмас экан. Ҳамон ота-оналар урушдан қайтмаган фарзандларини, ёшлар оталари, акаларини, кичкинтойлар боболари тақдирини билишни, улар қабрини зиёрат қилиб, ўз муқаддас инсоний бурчларини адо этишни истайдилар.

Манфур душманга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида кўплаб қурбон берганлигимиз ҳеч кимга сир эмас. Бошига уруш мусибати тушмаган оила қолмаган десам, муболаға қилмаган бўламан. Аммо узоқ йиллар халқимизни алдаб, лақиллатиб келдик. Ўзимиз берган талафотларни яшириб, немислар уларнинг сафи тобора сийраклашиб бормоқда.

Марказий архивда аниқланган маълумотларнинг «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози»), «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати», «Ёш ленинчи» («Туркистон»), «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» шунингдек, бошқа вилоятларнинг газеталари саҳифаларида ҳамда республикамиздаги барча шаҳар ва ноҳия газеталари саҳифаларида мунтазам ёритиб борилаётганлиги натижасида бошига уруш мусибати тушганлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1983 йил 18 февраль сонида ёритилган «Қалб амри билан» сарлавҳали мақолам республикамиз аҳолиси билан алоқа ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мен ҳозиргача республикамиз меҳнаткашларидан 12 мингга яқин мактуб олдим. Уларнинг катта қисми илтимослардан иборат бўлса, учдан бир қисмидан зиёдроғи миннатдорчилик мазмунидаги мактублардир. Халқ депутатлари ноҳия Советлари ижроия комитетлари, ноҳия ижтимоий таъминот бўлимлари, айниқса, ноҳия ҳарбий комиссарликлари шаънига шикоят мазмунидаги мактублар ҳам талайгина.

Мактублар... Уларни энтикмай, ачинмай, ўпкамиз тўлмай ўқий олмаймиз.

«Сизга бу хатни 40 ёшга тўлиб, аммо ҳозиргача ота сўзини кимга айтишга зор бўлиб юрган инсон йўллаётир. Сиз илк бор ота сўзини тилга олишга ундадингиз...» — деб бошлабди ўз мактубини Навбаҳор районидаги «Гигант» совхозидан Фурқат номли мактаб ўқитувчиси Шоди Хўжанов.

«— Қандай миннатдорчилик билдиришга ожизман, — деб ёзибди олтмариқлик онахон Чиннибу Эҳсонова. — Сизнинг ёрдамингиз туфайли янги уй қурилмоқда. Пойдевори битиб қолди. Сиз билан учрашгунча уй ҳам битиб қолади. Ана ўшанда уйни Сиз қуриб берган бўласиз».

Чиннибу Эҳсонова Олтиариқ районидаги «Пахтакор» совхозида истиқомат қилар экан. Умр йўлдоши Жўра Эҳсонов, уч нафар ўғли Аминжон, Аҳмаджон ва Маҳмуджон фронтга йўл олишган. Бир оиладан тўрт киши — ота ва уч ўғил ҳам урушдан қайтмаган. Ая истиқомат қилаётган кўчага Жўра Эҳсонов номи берилган. Аммо онахон яшаётган уй хатарли аҳволга келиб қолган экан. Чиннибу ая менга мактуб йўллаб, уйининг аҳволини яхшилашга ёрдам беришимни илтимос қилибди.

Ўйлаб-ўйлаб Олтиариқ район партия комитетининг ўша пайтдаги биринчи котиби Усмонжон Бегматов номига хат ёзиб юбордим. Минг раҳмат бу кишига. Дарҳол совхоз директори Хидиров билан Чиннибу ая уйига келибди. Аяга янги уй қуриб беришга қарор қилиннибди. Уй қуриб берилди. Мен бориб Чиннибу ая хонадонида меҳмон бўлиб қайтдим.

«Урушда ҳалок бўлган акам Дўстқобил Қўшоқов жасорати ҳақида «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1982 йил 31 март сонида босилиб чиққан «Сени жонда севаман, ҳаёт!» сарлавҳали лавҳангизни ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилди», — деб ёзибди деновлик Қаюм Қўшоқов.

Разведкага бориб «тил» олиб келган Дўстқобил Қўшоқов ўз траншеясига етай деганда яradор бўлади ва орадан икки кун ўтгач, госпиталда вафот этади. У «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланишга тақдим этилган эди. Орден орадан қарийб қирқ йилдан кейин хотира учун онасига тақдим этилди.

«Сизнинг «Эъзозлаш — ҳаётимиз тарзи», «Муқаддас бурч» ҳамда «Ўлимларни қолдириб доғда» сарлавҳали мақолаларингизни ўқиб, ҳаёлга чўмдим, — деб ёзибди Тошкент шаҳрининг Сағбон кўчасидан Худойберган Собиров, — Мен ҳам урушдан қайтмаган отам Ғани Собиров тақдири тўғрисида маълумот олиш орзусидаман».

Янгийўллик Малоҳат Иноятова шундай деб ёзади:

«Районимиз газетасида ёритилган «Марҳумлар ёдимизда, қалбимизда» сарлавҳали мақолангизни оиламиз аъзолари билан зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. Чунки унда бизнинг жигаримиз Зокир Файзиевнинг номи ҳам тилга олинган экан».

Архивдаги изланишлар нжодий самара бермоқда. Изланиш бошлангандан бери «Карим партизан», «Жасорат саҳифалари», «Қасоскорлар», «Жангномага айланган сатрлар» ва «Эллик баҳодир» деб номланган китобларим босилиб чиқди. Яқин орада «Ўзбекистон» нашриётида ҳаётмамот жангларидан тақдири ўз ифодасини топган «Навечно в памяти народной» деб номланган хотира китоби босилиб чиқади.

Изланиш ҳали давом этади.

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан урушн фахрийси, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пискент ноҳия Кенгашининг аъзоси.



— ★ ✦ ★ —



— ★ ✦ ★ —



Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Тошкент район Кенгашининг 1-котиби Комилжон Ғофуров халқ таълими ходимлари орасида тарғибот ишларини яхши йўлга қўя олди. У партиянинг ҳозирги иқтисодий шароитда ўқитувчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигини атрофлича тушунтириб берди. Шу боисдан ҳам муаллимлар орасидан партия сафига ўтувчилар сони кўпайди.

Суратларда: райондаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиларини партия сафига қабул жараёнидан лавҳалар. ХДПнинг бу аъзолари Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти ҳисобида турадилар.

СУРАТЛАРДА: ҳамкасблари муаллималар — (юқоридан пастга) Матлуба Холиқова, Ҳалима Тошмуҳамедова, Муқаддам Убаеваларни партия сафига ўтганликлари билан чин дилдан табрикладилар.

• Давра суҳбати

АҲВОЛЛАР ҚАНДАЙ, АЁЛЛАР?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашида «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ҳамда журналистларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари»га бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят, шаҳар ва район рўзномаларининг муҳаррирлари қатнашди. Давра суҳбатини Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг котиби Ш. ЖАЛИЛОВ олиб борди.

Ш. И. Жалилов: — Бозор иқтисоди шароитида ишлаш ҳар биримиздан ҳар қандай масалада бўлмасин аниқ ҳисоб-китобни талаб этмоқда. Олиб бораётган ишларимиз, мақсадларимиз ҳақида бирбиримизга ҳисоб бериб, маслаҳатлашиб олиш учун йиғилдик. Чунки талаб катта, қийинчиликлар эса кўп. Жойлардан партиямизнинг сиёсатини ташвиқот, тарғибот қилиш етарли бўлмаётганлиги айтилмоқда. Ўз рўзномаларимиз «Эътиқод» — «Товариш» катта қийинчилик билан босилмоқда. Бу борада биз билан яқин ҳамкорлик қилаётган «Тошкент ҳақиқати»: — «Ташкентская правда» рўзномалари муҳарририятидан миннатдормиз. Ушбу рўзномаларни ҳафталик тарзида нашр этиш керак, деган таклифлар тушмоқда, афсуски, ҳозирча бунга имкониятимиз йўқ. Лекин барибир шундай кун келади.

Партиямиз раиси, Президентимиз Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленумида қатнашиб, сермазмун нутқ сўзлади, олдимизга янги вазифалар қўйди, айни пайтда биз ҳам ўз муаммоларимизни қўйдик. У киши камчиликларни тан олган ҳолда «Мен қилаётган иш партиянинг иши, Президент фармонлари — партия фармони» деган фикрни айтди.

Партиямиз асосий эътиборини кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратган. Бу борада қатор ишлар қилинди. Даврий нашрларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида яқинда қабул қилинган фармон ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Вилоят кенгаши миллий ижтимоий ҳимоя жамғармасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Яқинда бўлиб ўтган ижроия бюросида нафақа белгилашдаги адолатсизлик ҳамда давлат қарамоғидаги уй-жойларни аҳоли ихтиёрига бериш масалаларини кўриб чиқиб, тегишли қарор қилинди. Ўз таклифларимизни Марказий Кенгашга бердик. Партиямиз кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрламоқда.

Бугунги иқтисодий танглик даврида қалам аҳли, журналистларнинг аҳволи анча оғирлашди, талаб эса ортмоқда. Халқнинг ҳақ сўзга, ҳақиқатга ташналиги кучаймоқда. Бир жиҳатдан сизларга ёрдам беришимиз лозим бўлса, иккинчи томондан кўмакларингизга муҳтожмиз. Қандай ишласак ишларимиз тезроқ самара беради? Бугун шу хусусда фикрлашиб олсак.

Абдулла Маъдиев, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон овози» рўзномаси муҳаррири: — Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши шаҳар, район рўзномаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган, журналистлар тақдири хусусида бош қотирганида севинган эдик. Лекин яхши айтилган гаплар кейинчалик қўллаб-қувватланмади. Журналистлар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолди. Матбуот ходимларининг иш ҳақини ошириш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳақида Президентимиз фармони чиқдики, бу бизга катта кўмак беради, деб ўйлаймиз.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Абдуҳамид Қодиров, Бекобод районидаги «Бекобод овози» рўзномаси муҳаррири: — Мен журналист кадрлар масаласига эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Битта мухбирни тайёрлаш осон эмас. Қоғоз тақчиллиги муносабати билан рўзномалар ҳафтада бир марта чиқадиган бўлди, штатлар қисқарди. Яхши мухбирлардан ажраб қолдик. Район рўзномалари ҳафтада бир марта нашр этилса, ўзининг таъсир кучини йўқотгандек бўларкан. Биз район партия кенгаши котибига хат билан мурожаат қилдик. Партия ташкилотлари ҳақида мақолалар бериб туришларини сўрадик. Афсуски, улар бизга етарли ахборот беришмаяпти. Партия кенгашлари билан ҳамкорликда ишлаш йўлларини қидиряпмиз.

Абдусаттор Ҳотамов, Зангиота районидаги «Истиқбол» рўзномаси муҳаррири: — Рўзномалар ХДП фаолиятини кам ёритаяпти, деган фикр билдирилди. Кенгроқ ёритиш имкониятимиз бор. Ғирик материаллар билан банд бўлиб қолаяпмиз. Изланишга мажбурмиз. Партия ташкилотлари котиблари рўзномаларга мунтазам ахборот юбориб турса, янгиликлардан хабардор бўлиб турсак ҳамда шундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Миршомил Миркомилов, Юқори Чирчиқ районидаги «Суръат» рўзномасининг муҳаррири: — Партиявий мавзуларга моддий ёрдам кўрсатишни ҳокимлик баъзан унутгандай бўлади. Вилоят ҳокими бизларни таклиф қилиб, ҳол-аҳвол сўрамади, ўзимиз у кишининг олдига келдик. Ёрдам кўрсатамиз, деди. Борди-ю, бизга кўмак берилмаса, ҳокимлик ҳам партия кенгашлари ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Гапнинг ростини айтганда ишбилармон одамлардан пул сўрашга мажбур бўляпмиз. Уларга моддий жиҳатдан қарам бўлиб қолаяпмиз. Бундай ҳолатда уларни қандай танқид қила оламиз? Ҳолимизга эмас, қадримизга йиғлаяпмиз. Журналист моддий жиҳатдан озод бўлсагина партияни маънавий қўллай олади. Районимизда маданият соҳасига қанчадан-қанча пул сарфланади, шундан бир қисмини рўзномаларга ажратилса, яхши бўларди.

Нўъмон Насимов, «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг бош муҳаррири: — Журналистлар фидойи кишилардир. Қарангки, шундай фидойи кишилар бозор иқтисодининг биринчи зарбасига учради. Лекин умидсизликка тушмаймиз. Имон, эътиқодимиз кучли. Ҳар хил сабабларга кўра шароит ўзгариб турибди. Жойларда ташаббуслар бўлсин, ХДП янги партия. Унинг зиммасидаги юк оғирлигини яхши биламиз, ёрдам беришга бурчлимиз.

Рўзномалар тақдири бизни анча ташвишга солди. Чунки рўзномалар давлат муҳофазасида бўлмай, республика бюджетидан пул ажратилмасди. Қизиқиб кўрсак, фақат «Халқ сўзи» рўзномасига республика бюджетидан пул ажратиларкан, холос. Президентимизнинг «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика оммавий ахборот воситаларини давлат йўли билан мухофаза қилишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони барчамизга дахлдор. Шаҳар, район рўзномалари ҳам ўз улушини олишади.

Вилоят рўзномаларининг аҳволи ҳам оғир. Ҳали биз 16 мартдан оширилган 1,7 миқдордаги маошдан манфаатдор бўлганимиз йўқ. Бундан ташқари, бизга солиқлар солинган, яъни катта миқдорда ижара тўлаяпмиз. Янги йилдан бошлаб бундай солиқлардан озод бўлишимиз кутилмоқда.

«Ташкентская правда» рўзномасининг бош муҳаррири А. Т. Пукемов: — Вилоят партия кенгашининг рўзномаси «Товариш»ни ҳамкорликда чиқаряпмиз, бу ҳайрли иш бўлди, лекин хатлар етишмаяпти. Партия кенгашлари бизни ахборот билан таъминлаб туришса, яхши бўларди.

Иккинчи таклифим шу: Биз Туркия йўли ҳақида кўп гапиряпмиз, бироқ Туркиядаги етакчи сиёсий партиялар ҳақида кам гапирамиз. Ваҳоланки, партиялар билан амалий ҳамкорлик қилиш вақти келди.

Ш. И. Жалилов: — Фикрингизга қўшиламан. Биз бу масала ҳақида ҳам ўйлаяпмиз. Улар бизни қабул қилишга тайёр. Ҳиндистон, Хитой ва Туркияга боришни мўлжаллаяпмиз.

Ҳ. Акромов, Пскент район кенгашининг биринчи котиби: — Игна билан қудуқ қазигандек бўлаяпти. Ҳаёт бизни воқеликка янгича назар ташлаш, бошқачароқ ишлашга мажбур қилаяпти. Президент фармонлари — партия фармонлари деяпмиз. Лекин фармонларнинг қандай бажарилаётгани рўзномаларда етарли даражада ёритилмаяпти.

С. Абдуллаев, Ўрта Чирчиқ райони рўзномаси муҳаррири муовини: — Ишбилармонлик ҳаракати кенг авж олди. Янги хизмат турлари очилди. Эълонлар берилмоқда. ХДП ташкилотларидан бизга олдиндан пул ўтказишса яхши бўларди.

Район бюджетидан рўзномамиз учун ҳам пул ажратилганди, лекин, афсуски бу маблағ бизга ҳануз етиб келган эмас. Вилоят молия бошқармаси уни ушлаб турибди...

Ш. И. Жалилов: — Бугунги мулоқот айни муддао бўлди. Ундан ўзимизга тегишли хулоса чиқарамиз. Сизларга ёрдам бериш имкониятини қидирамиз. Сизлар ҳам бизни қўллаб-қувватлашларингизга ишонамиз, деган умиддамиз.

Суҳбатни жамоатчи мухбиримиз И. ҲУСАНОВ ёзиб олди.

Бозор иқтисодиёти мураккабликлари, нарх-навонинг кундан-кунга ўсиши хотин-қизлар билан боғлиқ муаммоларни янада кўпайтириб юборди. Ана шундай оғир шароитда уларнинг ҳаёти қандай кечаяпти, қайси масалаларни ҳал этишда хотин-қизларимиз ёрдамга муҳтожлар?

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши раҳбарларининг вилоят, шаҳар ва районлар хотин-қизлар кенгашлари раислари, фаоллари билан бўлган учрашувида ана шу каби муҳим масалалар ўртага ташланди.

— Ҳозирги бозор иқтисодиётининг қийинчиликлари биринчи галда сиз — аёллар елкасига тушаяпти, — деди йиғилишда сўзлаган вилоят Кенгаши котиби Ш. Жалилов. — Чунки, сизлар куни бўйи биз эркаклар билан баробар, ҳатто кўпроқ ҳам ишлаб келганингиз ҳолда, уй-рўзғор, бола-чақа, турмуш ташвишлари, бари зиммангизда, яъни оиланинг, жамиятнинг бутунлиги ва мазмуни сиз билан. Шундай экан, аёллар ҳақида қайғуриш, уларга баҳоли қудрат қўлимиздан келган ёрдамни кўрсатиш, дилдан суҳбатлашиб, муаммоларни ҳал этиш учун сизларни бугун бу ерга таклиф этдик.

Шундан сўнг бир қатор шаҳар ва районлар хотин-қизлар Кенгашлари раислари юракларидаги дардларини, ўзларини қийнаётган муаммоларни ўртага ташладилар. Хусусан, Янгийўл шаҳар хотин-қизлар Кенгаши раиси Дилбар Ҳасанованинг сўзлари кейинги пайтларда шаҳар Ҳокимлигида хотин-қизлар масалаларига яхши эътибор берилмаётгани, айни вақтда улар ўз муаммоларини кимга айтишни билмаётганликлари ҳақида бўлди. Шаҳар ҳокими ҳар донм ҳам улар дардига қулоқ солавермаслиги ҳақида афсусланиб сўзлади. Ваҳоланки, шаҳардаги ўн тўрт та саноат корхонасида меҳнат қилувчи 20 мингдан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг 60 фоиздан кўпини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, улар катта куч. Шундай экан, ишчи аёллар ҳақида ғамхўрлик қилиш энг биринчи ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Аксинча, Тошкент район хотин-қизлар кенгаши раиси Ҳакима опа Юсупованинг сўзлари йиғилганларни хурсанд қилди.

— Негаки, — деди Ҳаким опа, — районимиз ҳокими Р. Акбаров эшиги доимо хотин-қизлар учун очиқ. Мен истаган пайтда Рустам ака олдиларига кириб, ҳал бўлиши зарур бўлган у ёки бу масала бўйича ёрдам сўрашим мумкин. У киши ҳар қандай ишларни йиғиштириб, биринчи галда хотин-қизларга доир масалани одилона ҳал этадилар.

«Қишлоқ аёлларига шундоқ ҳам оғир, бугунги кунда,— аксариятида бир этак бола, турмуш қийин, улар машаққат билан боқаётган ана шу болалар эса бизнинг келажагимиз»— дейдилар Рустам ака.

Йиғилишда сўзга чиққан яна бошқа бир қатор вилоят аёллари вакиллари ҳам муҳим фикрни ўртага ташладилар.

Уларнинг аксарияти муаммолари бир — у ҳам бўлса тизим ўзгариб кетиши, лавозимлар қисқариши билан бир қатор шаҳар ва район ижроия қўмиталари қошида фаолият кўрсатаётган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш инспектори лавозимлари ҳам қисқариб кетди. Бир неча йиллардан буён хотин-қизлар Кенгашлари раисаси учун битта штат ва хона ажратиб беришга роза бўлдилар.

Вилоят хотин-қизлар Кенгаши раисаси Г. Миразимова йиғилганлар диққатини иккинчи масалага қаратди. 1 июнь — болаларни халқаро ҳимоя қилиш куни муносабати билан Республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси қўллаб-қувватланди. Шу куни шаҳарнинг «Орол — она-бола» ҳайрия акцияси ўтказилади. Албатта, вилоятимизнинг барча шаҳар ва районлари корхона, ташкилот ва хўжаликлар жамоалари, қалбида одамийлик ва инсонийлик туйғулари бўлган ҳеч бир киши бу саховобдан четда турмайди, баҳоли қудрат жамғармага ўз ҳиссасини қўшади. Жамғарма ҳисобини маълум қиламиз:

Тошкент шаҳри,

002700017, Киров район саноат қурилиш банки,

код 172682304, «Орол — она-бола» хайрия акцияси.

З. ЗАБИХУЛЛАЕВА.

Фикрлар ошкора айтилди

Шу йилнинг 13 майи куни Халқ Демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг котиби Ш. Жалилов Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев, ХДП Чирчиқ шаҳар Кенгаши котиби О. Сокиповлар, вилоят ва шаҳар Кенгашлари ноиблари билан учрашув ўтказдилар.

Даврада ҳокимият, Халқ Демократик партияси шаҳар Кенгашининг партия группалари ўртасидаги ҳамкорликдаги ўзаро муносабатлар юзасидан фикрлашилди.

Мулоқотда шаҳар Кенгаши ноиби, пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Д. Нуваzов, шаҳар Кенгаши ноиби Ф. Абилькелямов, вилоят Кенгаши ноиби, трансформатор заводи директори Р. Саримсоқов, вилоят Кенгаши ноиби 160-қурилиш трестининг 307-механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи Ш. Ғаффоров ва бошқалар партиянинг тарғибот ишларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги фаоллигини кучайтириш юзасидан мулоҳазалар билдирдилар ва аниқ таклифларини айтдилар.

— Энг аввало, — деди учрашувда Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев, — партиявий интизомни мустаҳкамламоқ керак. Айни пайтда депутатларнинг ўз бурчларини бажаришлари юзасидан масъулликни ошириш, зарур бўлади.

Йиғилиш иштирокчилари учрашувда ошкора айтилган фикр ва мулоҳазалар Халқ Демократик партияси шаҳар Кенгашининг фаолиятини яхшилашга ёрдам беришини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РАДИОЭЛЕКТРОН, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ВА АСБОБСОЗЛИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошн 1-бетда).

Ким Галина Хансуевна — Чирчиқ трансформатор заводи ёғочсозлик цехининг бошлиғи

Коньков Алексей Васильевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи электромонтёри

Лапатина Нина Кузьминична — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси режалаштириш-иқтисод бўлимининг бошлиғи

Мақсудов Шеик-Мамбет — Чирчиқ трансформатор заводи электр машиналар ва аппаратлар йиғувчиси

Мирзалиев Абдикарим — Чирчиқ трансформатор заводи экспедитор-юк ташувчиси

Мирзаҳмедов Мирқосим Нураҳмедович — Тошкент электр машинасозлик заводи слесари

Монамс Станислав Евгеньевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Нажимов Ҳикмат Ғуломович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Герметик» технология ва машинасозлик марказий конструкторлик бюроси синов машина-ускуналари йиғувчи-созловчиси

Назарқулов Турин — Чирчиқ трансформатор заводи металл тозаловчиси

Никонов Леонид Михайлович — Чирчиқ трансформатор заводи газ билан қирқувчиси

Пипкина Валентина Яковлевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси комитетининг раиси

Пўлатов Мирсабой Хошимович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи электромонтёри

Содиқов Суръат — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи цех бошлиғининг ўринбосари

Саидаҳмедов Ойхўжа Алихўжаевич — Чирчиқ трансформатор заводи кран машинисти

Скубенко Максим Иванович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи картонажчиси


Улешов Усмон Болтабоевич — Чирчиқ трансформатор заводи токари

Финкельштейн Ицхок Шмарьянович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи участка бошлиғи

Шемякина Анна Степановна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон-техника заводи йиғувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 18 май.





Пойтахтимизнинг марказида жойлашган Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Карим Йўлдошев билан суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, шувдоққина кўринарли жойга ёзиб осиб қўйилган:

— Ишлашни хоҳлаган имкон қидиради,.

Хоҳламаган эса баҳона!,— деган шиор диққатимни алоҳида жалб этди. Суҳбат жараёнида ва жумҳуриятимизда машҳур бу сиҳатгоҳ фаолияти билан танишар эканман, директор бош бутун жамоа ана шу шиорга қатъий амал қилишларига гувоҳ бўлдим.

Сўлим ва хушманзара боғроғларга бурканган саломатлик масканида бир йўла 600 нафар бемор ўз соғлиғини тиклаши мумкин. Шундан 200 ўрин болалар учун ажратилган. Мингга яқин тиббиёт ходимлари улар қошида парвона.

Энг муҳими — бу сиҳатгоҳда муолажалар турли кимёвий дори-дармонларсиз, шарқ халқ табобати асосида олиб борилади. Хусусан, физиотерапия усулида, доривор ўсимликлар, қуёш нури, балчиқ, нина билан даволаш усуллари яхши самаралар бермоқда. Даво маскасида асосан асаб, ўпка, бўғим, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар даволанадилар.

«БРАУН ЛТД» ҲИММАТИ

БУ ФИРМА СЕМАШКО НОМИДАГИ ДАВОЛАШ МУАССАСАСИГА 25 МИНГ ДОЛЛАР ҲАЙРИЯ ҚИЛДИ

— Кейинги пайтларда экологиянинг бузилиши, ҳомиладор аёллар орасида камқонлик касаллигининг, оғир жисмоний меҳнат туфайли болалар орасида ўлимнинг кўплиги, гўдакларнинг туғма ногирон бўлиб туғилиш ҳоллари кўпаяётганлиги сир эмас,— дейди болалар бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Холида Умарова.— Туғилган-у, тўшакка умрбод михланган ана шундай гўдак кўзларига боқиш қанчалик мушкул бўлса, уларнинг илк қадам босишларини кўриш, қувончларига шерик бўлиш шу қадар ёқимли. Биз ўз фаолиятимизда қанча-қанча ана шунча бахтли онларни кўришга муяссар бўлганмиз. Ахир бизга даво истаб келганларнинг 55 фоизидан кўпи тузалиб, ўз оёғи билан юриб кетади. Бу шунча онлада хурсандчилик дегани. Ҳақиқий шифокор учун эса энг олий мукофот —ўзига умид ва нажот билан термулган кўзлардаги севинчни кўриш, деб ҳисоблайман.

Бу эса шифохонадаги ҳар бир ходимнинг — оддий ходимадан тортиб, директоргача кундалик шиорига айланган. Айниқса, болалар асаб касалликлари бўлими мудири Муҳайё Нурмуҳамедова, бальнеология бўлими мудири Лола Ғуломова, физиотерапия бўлими мудири Ёқутхон Содиқова, ҳамшираллар Сайёра Каримова, Клара Хўжаевалар ана шундай кичкинтойларга фидойи, меҳрибон нажоткорлардир.

— Дарҳақиқат, болалар келажагимиз, бизнинг давомчиларимиз,— деди суҳбатда Карим Йўлдошевич,— Шундай экан улар ҳақида астойдил қайғуриш, саломатликларини тиклаш энг асосий вазифамиз. Бугунги иқтисодиёт, тақчиллик эса ўзингизга маълум. Замонавий тиббий жиҳозлар етишмайди. Шу боис Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига мурожаат этиб, бизга ёрдам кўрсатишларини сўраган эдик. Яқинда хушхабар олдик. Польшалик «Браун ЛТД» савдо фирмаси бизга ҳиммат кўрсатди. 25 минг доллар ўтказилган чекни фирма президенти Роман Госчик ўзи топширди, буни ўзбекистонлик жажжи болажонлар соғлиғини тиклаш учун сарфлашни илтимос қилди. Бу саховатли инсон яна худди шундай миқдордаги ҳайрия совғасини пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек районидаги болалар касалхонасига ҳам ўтказибди.

Институт директори шунингдек, бу ердаги даво усулларига хорижда ҳам қизиқиш катталигини, айни кунларда сиҳатгоҳ ҳудудида меҳмонхона қуриш ҳаракатида ҳомий қидираётганлиги ҳақида ҳам сўзлади. Ана шунда шарқ табобати усулида даволанишни истаган чет элдаги ватандошларимиз ана шу меҳмонхонага жойлашиш ва даволанишлари мумкин. Бу икки томон учун фойдали бўлишини таъкидлади.

Шу ўринда институт қошида ўқувчиларнинг ёзги дам олиш кунларида (май-август) 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун (пуллик) санаторий типидаги даволаш — соғломлаштириш гуруҳи ташкил этилганлигини айтиб ўтмоқчи эдик. Бу гуруҳда болалар назоратдан ўтказиладилар, зарур муолажаларни оладилар. Маданий-оммавий тадбирлар ўтказилади, 5 маҳал овқат берилади. Аниқроқ маълумотни эса 34-54-00; 34-55-01 телефони орқали олиш мумкин.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: «Браун ЛТД» фирмаси президенти Роман Госчик сиҳатгоҳ жамоаси билан суҳбатлашмоқда (чапда); ҳамшира К. Хўжаева муолажа пайтида (ўнгда); пастдаги суратда кичкинтойларни дам олиш хонасида кўриб турибсиз.

Суратқаш В. ХАРИТОНОВ.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Р. МУСАМУҲАМЕДОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ
Кундузги ва сиртқи бўлимларга 1992—1993 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга 10—11-синфни тугатганлар ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар, ёшлари чегараланмаган ҳолда қуйидаги бўлимлар бўйича қабул қилинадилар:

агрономия (мева-сабзавотчилик ихтисоси бўйича), мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича, виночилик технологияси, консервалаш технологияси.

Техникумни тамомлаганлар жумҳурият жамоа ва давлат хўжаликларида агроном, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, виночилик ва консервалаш бўйича технолог лавозимларида ишлашлари мумкин.

Техникумда асосий мутахассисликка қўшимча равишда:

агрономия бўлимида — уста-пайвандчи, мева дарахтларига шакл бериш устаси, тракторчи-машинист;

мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўлимида — мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш усталари каби ишчи касблари ҳам ўргатилади.

УҚИШ МУДДАТИ:

Кундузги бўлимда —
агрономия ихтисоси бўйича — 2 йилу 10 ой;
виночилик ихтисоси бўйича — 2 йилу 8 ой;
консервалаш технологияси ва мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш ихтисоси бўйича— 2 йилу 6 ой.

Сиртқи бўлимда — 3 йилу 6 ой.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (айрим ҳолларда нусхаси) 3х4 см. ҳажм идаги 4 дона фотосурат, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Жамоа, давлат хўжаликлари ва корхоналардан юборилган белгиланган шаклдаги йўлланмани ҳам тақдим этадилар.

Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхат ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар кундузги бўлимга — 1 августгача, сиртқи бўлимга — 30 октябргача қабул қилинади.

Техникумга асосан Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида яшовчи шахслар қабул қилинадилар.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш суҳбат асосида, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатида кўрсатилган баллар йиғиндисига кўра олиб борилади.

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан, ўрта махсус билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар, шунингдек, ўрта мактабни мақтов ёрлиғи ёки «4» ва «5» баҳоларга тугатганлар ўқувчилар сафига танловсиз қабул қилинадилар.

Давлат нафақаси овқат пули билан биргаликда ойига 425 сўм миқдорида берилади. Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, Академик Р. Р. Шредер номли илмгоҳ, «Кенсой» даҳаси (транспорт: Тошкент шаҳридаги «Чорсу» автостанциясидан 478-автобусга ўтириб «Техникум» бекатигача ёки 479-автобус билан «Шўро бозори» бекатигача, шу бекатдан 478-автобус билан «Техникум» бекатигача борилади).

РЎЗНОМАГА ҚЕЛГАН ХАТ ВА ЖАВОБЛАРДАН

АВТОБУС НЕГА ҚАТНАМАЙ ҚЎЙДИ?

КЕЙИНГИ йилларда ноҳиямиздаги Амир Темур номидаги жамоа хўжалигида катта ободончилик ишлари олиб борилди. Деҳқонларнинг турмуш тарзи яхшиланиб бормоқда. Бироқ, ҳали бир талай муаммолар ҳам бор.

Гап шундаки, деҳқонлар зарур юмуш чиқиб қолганда шаҳарга қатнашга қийналмоқдалар. Уларнинг бу ҳақдаги талабномаси инобатга олиниб, хўжалик билан шаҳар маркази ўртасида кичкина автобус қатнови йўлга қўйилган эди. Бироқ, ҳозирги пайтда у юрмай қўйди. Бу ҳол кўпгина мушкулликларни келтириб чиқаряпти. Ахир баъзида ноҳия марказига бориб келиш учун бир иш кунини йўқотишга мажбур бўлинмоқда. Бу масала муаммолигича қолиб кетмаслиги керак. Мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўрадилар, деб ишонамиз.

Усмонжон САМИЪЖОНОВ,
Чиноз ноҳияси.

ЯНА ҚАНЧА КУТАЙЛИК?

Рўзномамизда шу йилнинг 14 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолада 134-бекатдаги платформанинг қаровсиз қолиб, ўйдим-чўнқир, ёрилиб, нураб ётганлиги, бу эса йўловчиларга ва шу яқин атрофда истиқомат қилувчиларга ноқулайлик туғдираётганлиги таъкидланган эди.

Биз ушбу мақола юзасидан Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими раҳбариятига мурожаат қилган эдик. Яқинда у ердан Тошкент темир йўл бўлими бошлиғи Р. Зоҳидов имзоси билан жавоб олдик. Унда таъкидланишича, юқоридаги мақола жамоада атрофлича кўриб чиқилиб, кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилган. Мазкур 134-разъезд платформасида кишиларга қулайлик яратиш мақсадида уни қайта таъмирлаш иши 1992 йил режасига киритилиб, унн бажаришга маблағ ажратилган.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛАРДИ

Маълумки, кейинги пайтларда айрим сабабларга кўра қайтимни танга билан тўлаш одат тусидан чиқай деб қолди. Кўпчилик йўловчилар транспортга тушиб 30, 60 тийин, 80 тийин ўрнига 1 сўм берадиган бўлиб қолишди. Бу ҳолат шаҳардан ташқарига қатнайдиган автобусларда ҳам истаганча учраб турибди. Шаҳар автотранспортида бу муаммони ҳал қилиш учун тўғри йўл топилди. 30, 40 тийинлик абонементлар жорий қилинди. Мана шундай янгиликни шаҳардан ташқарига қатнайдиган автобуслар учун ҳам жорий этилса ёмон бўлмасди. Бундан, албатта, йўловчилар ҳам манфаатдор бўлишарди.

Р. ТИЛЛАЕВ,
жамоатчи мухбир.

ПОЙТАХТ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

ХОРИЖИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ молия олий-гоҳи америкаиинг машҳур корпорацияларидан бири сифатида кенг танилган «Жуниор ачивмент» билан илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйди. Ана шу корпорация томонидан тайёрланган ўқув дастури иқтисодиёт асослари юзасидан машғулотлар олиб боришга қаратилган илғор тажрибалар умумлаштирилган. Шу боис олий ўқув юртида бу таълимий йўналиш ўзига кенг йўл топди.

Олийгоҳ ташаббуси билан пойтахтнинг Юнусобод районидаги 4-мактаб ҳузурида махсус лицей ташкил қилинган эди. Энди бу даргоҳда ҳам корпорациянинг фойдали ўқув дастури асосида машғулотлар олиб бориладиган бўлди.

А. АЛИЕВ.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Чой сақланадиган идишга бир парча апельсин пўсти ёки ванил ушоғи солиб қўйилса чой анча хушбўй бўлади.

● Ойнани совуқ сувга синька қўшиб ювиш тавсия этилади, бу ойнани анча тиниқ кўрсатади. Ойнани чой қўшилган сув билан ювиш ҳам мумкин.

● Сирланган идишлар, масалан кастрюлька узоқ муддат ишлатилсин десангиз, иссиқ кастрюлькага зинҳор совуқ сув қўйманг.

● Столлар ёки бошқа мебелларнинг тортилиши қийин бўлган ғаладонлари (шунингдек «инжиқ» молния занжирлари)га совун, шам суртиш ёхуд тальк сепиш лозим.

ЭНГ КЎП ИШЛАТИЛАДИ

● АСПИРИН дориси турли касалликларни даволашда кенг қўлланиладиган воситалардан бири ҳисобланади. У миқдорига қараб оғриқни қолдирувчи, ҳароратни туширувчи, шунингдек, юрак хасталикларининг олдини олиш, бўғимларнинг шишишини секинлаштириш учун ишлатилади.

У бошқа турли ижобий самаралар қатори нисбийларига ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, қоннинг қотишига ҳалақит бериши, ўн икки бармоқли ичакда яраларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Афсуски, бу қадимги дори ва унга яқин бирикмаларнинг турли хил таъсир этиш омиллари ҳамон тўла аниқланмаган.

● ФУТБОЛ

КЕЧАГИ ДЎСТЛАР БУГУН «РАҚИБ»

Узоқ йиллар «Пахтакор» сафида бирга майдонга тушган Бирodар (Эркин) Абдураимов билан Аҳрол Иноятовларнинг вақти келиб «рақиб»га айланишлари кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз. Ҳа, республика олий лига биринчилигида тўп сураётган Наманганнинг «Навбаҳор» (устози Б. Абдураимов) ва Тошкентнинг «Пахтакор» (устози А. Иноятов) жамоалари ўтган турда ўзаро учрашдилар. Командадош дўстлар бир-бирларининг кучли ва заиф томонларини яхши билганликлари учун ҳам кураш ошкора ва қизиқарли бўлди. 11-минутда пахтакорчи В. Кечинов ҳисобни очган бўлса, 80-минутда У. Рўзимов вазиятни тенглаштирди. Учрашув 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Шундай қилиб мазкур ўйинда бир-бирига рақобатлик қилган кечаги командадош дўстларнинг бахси «келишув» билан тугади.

11 турдан сўнг жадвалда ёнма-ён бораётган «Пахтакор» ва «Навбаҳор» ҳозирда 12 тадан очкога эга. Уларни Андижоннинг «Наврўз» клуби қувиб ўтди. Бу клуб мазкур турда «Пахтакор—79» клубини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Олий лигада пешқадамлик қилаётган «Сўғдиёна» клуби Олмалиқнинг «Кимёгар» жамоасини 3:0 ҳисобида енгиб 16 очко билан якка пешқадам бўлиб олди. Кўқоннинг «Темирйўлчи», Бухоронинг «Нурафшон», Фарғонанинг «Нефтчи» ва Андижоннинг «Наврўз» жамоалари ҳисобида 13 тадан очко бор.

Якшанба кунги бошқа ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нурафшон» — «Шаҳрихонлик» — 0:0, «Сурхон» — «Нефтчи» 1:3, «Мароқанд» — «Косонсойлик» — 1:1, «Янгиер» — «Темирйўлчи» — 2:1, «Чирчиқ» — «Орол» — 3:0.

Навбатдаги 12 тур ўйинлари эртага бўлади. «Пахтакор» Андижонда «Наврўз» жамоасига қарши майдонга тушади.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Осонлик билан шодликка
етиб бўлмас,
Меҳнатсиз яхши ном
кутиб бўлмас.
Фахриддин ГУРАГОНИЙ.

●

Илмсиз қалбда ҳаёт
йўқдир,
Жоҳил кишида сабот
йўқдир.
Ҳамиша кибрдан ҳазар
қил,
Тавозу бирла ўзни гўзал
қил.
БИНОЙИ.

●

Баъзида хароб
кулбаларда яшаб
келаман.
Масжид гўшасига
етарманми деб.
Камол ХУЖАНДИЙ.

Илм кўз нуридан
яхшироқ,
Кўриш афзал эмас,
илм яхшироқ.
Илм умр бешигини
ўйновчи сабо,
Жаҳондан ўтма беилм,
илм яхшироқ.
ҲИЛОЛИЙ.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов ноҳиясидаги «Саришта» ширкати тугатилади. Даъволар бир ой мобайнида Фаробий кўчаси 330-уйда қабул қилинади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари—32-57-49, Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсатгичи: Г — 131. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00. 31646 нусха босилади.